

Бу сўз менга тинчлик бермайди.

Йилларки оромимни олган, осойиши жонимдан махрум этган бу сўз, бу сўзки — фирокида фаслларим куймишлар. Аввалига фалакнинг интизор кўзидан томган катра шабнам бўлиб туюлган сўз бора-бора ёллари олов учкур тулпорга айланди, тулпорга айланди-ю олиб кетди мени. Олиб кетди! Аввалига зор этди бу сўз, кейин хор этди, кейин эса — бор эди. У мени хаётнинг кайтмас навозишларидан айирди, дунё рохатини жонимга ганим этди, мени ўтларга тутоштириб, якин азиз кишиларимдан узок-узокларга улоктирди — парчаланиб кетгандай бўлдим. Бирок мен ўзимни сўзма-сўз, сатрма-сатр яна кайта бошдан тикладим, барбод бўлдим, бунёд бўлдим!

Шеърият.

Бу сўз менга уйку бермайди.

Кечалари кўзларидан олов пуркаб, тушларимга бостириб киради. “Уйгон, — дейди, — уйгонгилки, бедорлик сенга қисмат ўлмиш”. Асрнинг барча фожиалари, шикаста кўнгилларнинг бор аламу армонларига гўё мен сабабчидай — бу сўз мени сўрокка тутуди, жавоб истайди.

* * *

Коронгуликда тимирскиланиб магнитофон тугмачасини босаман. Ўтлуг овоз:

Онагинам!

Дориломон кунлар келди шафаклари ол.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Етганларни ҳам, етмаганларни ҳам бирдек йиглатган, хаяжонлантирган кўшик. Кўшик эмас, кўнгил боғларидан эсган сабо. Тириклик сабоси. Бу сабо коронгуликда нурланиб эсади. Такдирлар зулматига ҳам худди шундай зиё сочиб, шуълаланиб киради.

Халима Худойбердиеванинг китоблари шеърлардан эмас, аслида шундай саболар, эпкинлардан тузилган. Муковани очдингизми — саҳифалар хилпирай бошлайди, сатрлар эпкинни юзга урилади, ундан кўнгилга ўтади ва юрак ҳам бир япрок сингари титрокка тушади.

...Мен бу китобни узок изладим.

Олис талабаликда саратон хаётимга тасодиф шамолдай бирров эсиб кирган юпкагина шеърий тўпламни шамолдай бир киз, мендан сўрамай сочларининг шамоллари аро яшириб олиб кетганидан буён излайман. У киз эсимда йўк, китоб эса.

Сатрларнинг нозик новдалари, сўзлар-япрокларнинг шивири, япроклар пинжида яширинган ок олмалар — фикрлар. Орадан ўн йиллар ўтиб бу “еллар тўпламини” кандай тасодиф билан йўкотган бўлсам, худди шундай тасодиф яна кўлимга кайтаради: “Ок олмалар!”

Муковасини очишга ботинолмайман: канча йиллар, канча такдирлар ўтди.

* * *

Менга хозирча биттагина шеър керак.

Саҳифалар, ок эпкинлар ва мана, кийгос гуллаган олчадай “тошкиниб” ўша шеър чикади:

Онагинам!

Дориломон кунлар келди, шафаклари ол,
Каён боксанг, шайланишар ва созлашар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан бехол:
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Шу оклик, муаттарлик ичра беихтиёр устоз Шайхзоданинг армонли сатри ёдга келади:
“Нечун ранглар аро кўпдир каро ранг?”

Халима Худойбердиева шеърларини ўкиб “ранглар аро” ок рангнинг тантанасидан,
“дунёнинг юзлари ёришиб бораётганидан” кўнгил ҳам ёришади. Ахир “Оппок ранглар
керак одамизотга”.

“Бахтсиз дунё бахтсиз кимсаларни ёмон кўради” деган экан бир бахтсиз шоир. Дунёга
хам, одамларга ҳам мушфик сўзлар керак. Хамманинг бошида кўргулиги бор, хамманинг
гам-ташвиши ўзига етарли, одамларга шеърини аламлару, кофияга солиб айтилган
хасратлар эмас, дардига малхам гиёҳ-сатрлар керак:

Боглардаги етилгуси хар мевали шох
Ризқдир бизга, ризқка доим дил илинжликдир.
Ўглонларинг келар ана, очишиб кучок,
Фарзандлар ҳам мева кадар бир ширинликдир.

Шеърини ноз-карашмани суймайди. Бу даргоҳда пардоз-андозлар бефойда.
Бунга калб кўзгуси ила келадилар, сиёҳни эса дил конидан оладилар.

* * *

Севги. “Сойда янги киличдай ой порлаётибди”. “Кара, дарёда бир ок гул ёниб турибди”.
Кайсиниг киссаси хали поёнига етмаган. Лайлининг лоласи хали ҳам ўша-ўша — багри
дог. “Ишк” сўзи “кўшик” ила кофиядош, бироқ “киш” ҳам кофияга талабгор. “Бу хаётнинг
кадахини ким тўлдирибди”. Ким?

Тарих тақирларида лолалардай какраган шоирлар: Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим.
Шарқнинг киличзорларда унган кизил гуллари. Улар колдирган газаллар — кўнгил
конидан яралган ёкут маржонлар.

Лайлининг киссаси хали тугамаган. “Кўз ёшимдан сиёҳ килар эдим куюк, киприк билан
ёзиб битказар эдим”. Буни мозийдан Нодирабегим эмас, XX аср шомида ўзимизнинг
шоирамиз айтаяпти.

Таланти чимилдиккача зўрга етган шоирлар, кувваи хофизаси асал ойидаёқ узилган
шоирлар. Баъзан заифона янграётган мардона овозлар. Мухаббат кўчасидан ўтмаган,
лекин “севги” дея пўк кўксига мушлаётганлар озмунчами?

“Бегим” сўзини олайлик. Бу ўрусчага ўгирганда “Мой бек” деган сўз эмас. Бу — бир
пайтлар миллий таомил, аёлнинг завжига нисбатан олий эҳтироми, айна пайтда оилавий
назокатни билдирган. Эскилик саркити эмас. Бу билан барча аёллар эрларини “бегим”
деб чорласинлар демокчи эмасми. Халима Худойбердиевада бири шу сўз билан
бошлангучи ва яна бири шу сўз билан яқунланувчи икки ажойиб шеър бор. Ва бу сўз
ушбу шеърларда ўша шарқона назокат ила койиллатиб айтилган.

“Ок олмалар”даги “Кўмсаш” бобида берилган шеърлар вужудни жимирлатади. Биз “Она

Ватан”, “Ота юрт” деймиз. Ота хакидаги бу сартлар айна чоғда Ватан хакида эмасми:

Гарчанд умр сўнгигача инсонга сермехнат йўл,
Билмадингиз Сиз дунёда борми унинг адоги.
Кўз олдимдан ўтаётир у чапдаст, сертомир кўл
Ва кафтларнинг ўчмас мухр, танга-танга кадоги.

Корайган сахий тупрокнинг ранги акс этар унда,
Минг кишилиқ давраларда бўлсангиз ҳам топардим.
Ўша кўлингиздан таниб топар эдим, ох, шунда
Гўдакликнинг согинчи-ю, зори билан ўпардим.

* * *

Гап факат “Ок олмалар” дагина эмас.
Шоиранинг “Чаман”, “Иссик кор”, “Суянч тоғларим” сингари шамол тўпламлари
кўнгилларнинг мушток боғларига аллақачонлар эсиб кирган.
Шабада шеърлар. Шеърлар шабадаси.
Бу шабадалар бора-бора елларга, еллардан шамолларга айланди.
Шамоллар, барглар аро олмалар оқариб боряпти, ок олмалар.
Тафаккурнинг, кўнгилнинг, орзу-ниятларнинг ок олмалари.
Бутун мамлакатнинг кўксига жонбахш шамоллар эсаётган бир пайтда шу шамолларга бир
насим бўлиб кўшилмок, ёйилиб-ёйилиб, ястаниб-ястаниб эсмоқ нақадар жозибали!
“Мен оппоқ кўшиқлар айтяпман бугун”.
“Алвон-алвон кўшиқлардан айт” дейди шоира.
Унинг кирмиз овози — шеърятимизнинг кизил атиргули.
Унинг ок шеърлари — меҳрнинг ок олмалари.
Халима Худойбердиева “тулпор” сўзини яхши кўради. Бу тулпорнинг ҳам ранги ок. Оппоқ.
Унинг ёлларидан ок шамоллар ва юлдузлар сачрайди.

1987

Сирожиддин Саййид